ЖАҲОНДА ВА РЕСПУБЛИКАМИЗДА МОЙЛИ УРУҒЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ ВА ҚОВОҚ УРУҒИ МОЙИ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ


Ўктамова Ш.Ҳ.
Бухоро давлат техника университети таянч докторанти

Qabul qilindi: 04.11.2025
Ko‘rib chiqildi: 05.11.2025
Tasdiqlandi: 06.11.2025
Калит сўзлар:
жаҳон бозори, мойли уруғлар, қовоқ. қовоқ уруғи бозори, қовоқ уруғи мойи, жараён, технология.

Аннотация. Мақолада жаҳон ва республикамизда етиштириладиган мойли уруғларни, шунингдек қовоқ уруғларидан олинадиган мойларнинг бозор шароитида ривожланиш истиқболлари келтирилган. Ҳозирги кунда республикамизнинг фермер хўжаликларида етиштириладиган сабзавотлар, жумладан ковоқ етиштириш ва унинг уруғидан мой ишлаб чиқаришни ривожлантириш тенденциялари ҳақида таҳлилий маълумотлар ёритилган. Шунингдек, жаҳонда ва республикамизда мойли уруғларни етиштириш ва уларга ишлов бериш, ёғ олиш жараёнига тайёрлаш жараёнлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Кириш. Ёғ-мой саноатининг инновацион ривожланишидаги ҳозирги тенденциялардан бири, рақобатбардош маҳсулотлар, айниқса истеъмол қилиш хавфсиз, биологик қиймати юқори бўлган мой ишлаб чиқариш тизимидаги техника ва технологияларни такомиллаштиришдан иборат. Шу сабабли, юқори сифатли мой олиш имконини берадиган ўсимлик хом ашёларини тизимли етиштиришни йўлга қўйиш орқали ички ва ташки бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, таркиби витаминлар ва оқсил моддасига бой бўлган қовоқ ўсимлигини етиштириш ҳамда уруғидан сифатли, экспертбоб мой ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштиришда ишлов беришнинг ноананавий усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

2023-2024 йилги мавсумда глобал мойли ўсимликлар ишлаб чиқариш 7фоизга ўсганини USA нинг oilword.ru сайтида кўришимиз мумкин. Бу асосан Жанубий Америкада ёғ-мой уруғларини етиштириш, шунингдек, Европа Иттифоқи, Россия ва Украинада мойли уруғларни кўпайтириш ҳисобига бўлади [1.1-расм]. Мойли экинлар етиштириш 672,0 миллион тонна рекорд даражада, соя етиштириш эса 11 фоизга ўсиб, қарийб 411,0 миллион тоннани ташкил этганини кўришимиз мумкин [1;210-214 б].



1.1-расм. Бутун дунёда мойли ўсимликларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ўсиш суръатлари

Сўнгги бир неча йил ичида диабет, семизлик ва юрак касалликлари каби соғлиқ муаммолари кўпайди. Қовоқ уруғларида омега-3 ва омега-6 каби турли хил муҳим ёғ кислоталари мавжуд. Улар юқори озуқавий қиймати туфайли камроқ калория ва кўпроқ озуқавий қийматга эга маҳсулотларни қидираётган соғлиғига эътибор қаратадиган мижозлар эътиборини тортди[2].

Data Bridge Market Research таҳлил қиладики, қовоқ уруғлари бозори 2021 йилда 3,6 миллиард долларга баҳоланган ва прогноз даврида 3,7 фоизни ташкил этган ҳолда 2029 йилга келиб 4,81 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Бозор қиймати, ўсиш суръати, сегментация, географик қамров ва асосий ўйинчилар каби бозор сценарийларини тушунишдан ташқари, Data Bridge Market Research томонидан тузилган бозор ҳисоботлари чуқур эксперт таҳлилларини, жуғрофий жиҳатдан тақдим этилган ишлаб чиқариш ва компанияларнинг салоҳиятини, дистрибютор ва ҳамкорлар тармоғининг намуналарини, батафсил ва янгиланган нархлар тенденцияси таҳлилини, шунингдек, таъминот занжири ва талаб бўшлиғини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда ёғли ўсимликларни қайта ишлаш корхоналарининг 90 фоиздан ортиғини бирлаштирган уюшма маълумотларига кўра, мамлакатимизда ўсимлик мойининг амалда истеъмоли йилига 488 минг тоннани ташкил этади. Бугунги кунда ушбу маҳсулотнинг 293 минг тоннасини маҳаллий ишлаб чиқариш беряпти. Қолган қисмини импорт ўсимлик мойи қоплайди. Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой корхоналари уюшмаси *“Ўзёғмойсаноат”* бошқаруви раиси Ойбек Зуфаров *“Asia Grans$Oils Conferense in Tashkent 2023”* учинчи халқаро конференсия давомида нафақат ўсимлик мойлари ва мойли ўсимликлар хомашёси

импортини, шу билан бир қаторда мойли ўсимликлар етиштириш ва уларнинг мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ошириш лозимлигини айтиб ўтган.

Қовоқ уруғи бозори таҳлил қилиниб, бозор ҳажми ва тенденциялари мамлакат, табиат, манба, хўжалик тури, маркетинг канали, мавсум ва якуний фойдаланиш бўйича юқорида айтиб ўтилганидек тақдим этилади [2].



1.2-расм. Қовоқ уруғи бозорида 2022-2029 йилларда давлатлар улуши

Қовоқ уруғи бозори ҳисоботида кўрсатилган давлатлар қуйидагилардир: Шимолий Америкада АҚШ, Канада ва Мексика, Германия, Франсия, Буюк Британия, Нидерландия, Швейцария, Белгия, Россия, Италия, Испания, Туркия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Австралия, Таиланд, Индонезия, Филиппин, Арабистон, БАА, Исроил, Миср, Жанубий Африка, Яқин Шарқ ва Африка (МЕА), Бразилия, Аргентина ва Жанубий Американинг бир қисми келтирилган [2].

Шимолий Америка минтақада вегетарианлар сонининг кўпайиши ва турли ишлаб чиқарувчиларнинг тарқалиши туфайли қовоқ уруғлари бозорида ҳукмронлик қилмоқда, Осиё Тинч океани минтақаси эса бир марталик даромаднинг кўпайиши ва аҳоли ўртасида қовоқ уруғларининг соғлиқ учун фойдалари ҳақида хабардорликнинг ошиши туфайли 2022 йилдан 2029 йилгача ўсиши кутилмоқда[2].

Агар ушбу мойли уруғларни ўртача мойлилиги 25 % деб ҳисобланса, уларни қайта ишлаб 1000 т атрофида мой олиш имконияти пайдо бўлади. Бу миқдордаги шифобахш мойларни тиббиётда, фармасевтикада ва парфумерия соҳаларида кичик ҳажмларда қўлланилишини ҳисобга олсак жуда катта иқтисодий фойда эканлигини англашимиз лозим [3]. Соғлиқни сақлаш муассасалари тавсияларидаги меъёр кўрсаткичларига биноан Ўзбекистон аҳолисининг талабларини қондириш учун мамлакатимизда ҳар йили 5-5,5 млн.т сабзавот, 1,5 млн. т озиқбоп картошка, 2,3-2,4 млн. т полиз маҳсулоти етиштириш лозим деб топилган [3]. Қовоқ уруғлари истиқболли мой олиш маҳсулоти ҳисобланиб, таркибида 38 % дан 42 % мой ва 35-36 % гача оқсил моддалари мавжуд.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар асосида қовоқ уруғи бозори, шунингдек, қовоқ уруғидан олинадиган мой миқдорлари таҳлил қилинган. Жаҳон ва ресбупликамиз бозорида қовоқ уруғлари ва мойининг сотилиш жараёнидаги иқтисодий кўрсаткичлар олинган. Ҳозирги кунда янги турдаги ноанъанавий мойли ўсимликлардан саноатда фойдаланиш салмоғини ошириш учун уларни маданийлаштириш ва саноат ишловига мослаштириш билан боғлиқ ишлар кўлами кенгайтирилаётгани тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гудвин Г., Мерсер Э., Введение в биохимию растений /. - М: Мир, 2009. - 352 с.
2. Р. Мавланова, А. Рустамов, Р. Ҳакимов, А. Ҳакимов, М. Турдиева ”Ўзбекистон қовунлари” 2005
3. Понасенко Андрей Святославович- Совершенствование конвективной установки и процесса сушки тыквы. (диссертация) Ташкент – 2024
4. Джўраев Х.Ф., Ўктамова Ш.Ҳ - Қовоқ уруғидан ёғ олиш жараёнининг истиқболлари - Journal of new century innovations. Volume–39_Issue-1_October_2023. 113-119 б. http://www.newjournal.org/
5. Джўраев Х.Ф., Ўктамова Ш.Ҳ. - Қовоқ уруғидан мой олиш жараёнини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. Muhandislik texnologiyalarida yechimlarni topishda tizimli fikrlash xalqaro konferensiyasi (16-17 oktabr, 2025-yil) 287-289б. https://doi.org/10.5281/zenodo.17281438
6. O‘ktamova Sh.H. - O‘simlik xomashyolari danagidan yog‘ olish jarayonining istiqbollari - “Mexanika va muhandislik geometriyasini amaliy muammolari va yechimlari” mavzusidagi xalqaro ilmiy anjuman. 15-16-oktyabr 2025-yil. 250-253 b